

Таҳқирлашни тарк этиш



12:23 / 19.02.2022 1589

Уламолар султони Иззуддин Абдуссалом раҳимахуллоҳ дедилар:

«Бировга иззат кўрсатиш ва эҳтиром маъносида ўрндан туришнинг зарари йўқ. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ансорларга қарата: «Сайидларингиз, улуғларингизга (ҳурматан) ўрнингиздан туринглар» деганлар. Яъни, Саъд ибн Муоз розияллоҳу анҳуга. Шунингдек, Бану Қурайзаликларга ҳам шундай деганлар: «Ота-онага, солиҳ кишиларга ва уламоларга ўрндан туриб эҳтиром кўрсатишнинг зиёни йўқ».

Лекин бугунги замонда буларга амал қилиш ўрнига ўзаро нафратланиш, бир-бири билан орани очик қилиш, урушиш ва ўзаро душманчилик қилишга одатланилди. Шунинг учун ушбу қайтарилган, ҳазир бўлишга буюрилган ишларни тарк этиш, даф этишга сабаб бўлувчи ишларга амал қилиш лозимдир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бир-бирингизни ёмон кўрманг. Бир-бирингиз билан рақобатлашманг. Бир-бирингизга қарши тадбир қилманг. Эй Аллоҳнинг бандалари, биродар бўлинглар!».

Имом Бухорий ривояти.

Бу ўринда айнан амалга буюрилмасада, ҳурмат кўрсатиб ўрнидан туришга одатланганларни ёмон кўрмаслик ва таҳқирлашни тарк этишни тақозо этади.

Манба: @arabicuz